# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 94 (8.829) ◆ 1996 йил ◆ 9 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум этилганларнинг қуйидаги тоифаси озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсин:

а) Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобил атом электростанциясидаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар ва вояга етмаганлар;

в) ёши 60 дан ошган эркаклар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят қилгани учун ўн йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Фармон кучга киргунига қадар содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча терговишлари ва судда кўрилмаган ишлари тугатилсин:

а) 1-моддада санаб ўтилган ва Фармоннинг 7-моддаси таъсирига тушмайдиган шахсларга нисбатан;

б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан.

6. Мазкур Фармонга асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг қуйидаги тоифаси учун жазо муддатининг ўталмаган қисми қисқартирилсин:

а) биринчи марта қасддан қилган жинояти учун беш йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир қилган шахсларга белгиланган жазо муддатининг ярми;

б) қасддан қилган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга белгиланган жазо муддатининг тўртдан бир қисми.

7. Фармоннинг 1-5-моддалари ўта оғир жиноятлар учун (Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «А» бандида кўрсатилган жиноятларни содир қилганлар бундан мустасно), жиноий уюшмалар таркибидаги жиноятлари учун, ўқотар қуроллар ва гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш (сотиш) билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек, жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Фармоннинг 6-моддаси жазо ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмасин.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 7 август.

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

*8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвага жўнаб кетди. У Россия давлат раҳбарининг ўз лавозимига тантанали равишда киришиш маросимида қатнашади. Президент Борис Ельциннинг инаугурация маросими 9 август куни Кремлда бўлиб ўтади.*

— Биз Россиядаги Президент сайловидан олдин, сайлов арафаларида Президентликка номзод Борис Ельцин ва унинг тимсолида ушбу мамлакатдаги демократик кучларни қўллаб-қувватлашимизни бир неча бор такрорлаган эдик, — деди Президент Ислом Каримов аэропортда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан. — Россиянинг жаҳон миқёсидаги ўрнини ҳисобга оладиган бўлсак, сайловда мамлакатдаги демократик кучларнинг ғалаба қозонишидан барча манфаатдор эди. Биз бундан буён Россия демократик ўзгаришлар йўлидан дадил боришига аминмиз ҳамда бу давлат билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга тайёрмиз.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили В. Ринза ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

***7 август куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Палея» халқаро нашриётида чоп этилган «Барқарорлик ва ислоҳотлар» («Стабильность и реформы») китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

«XX аср халқ доҳийлари» туркумида нашр қилиш мўлжалланган жаҳоннинг саксондан ортиқ энг машҳур давлат арбоблари асарларининг бири айнан Ислом Каримовга, унинг машҳур нутқ ва маърузаларига бағишланди. Бу юртбошимизнинг мустақил мамлакатимизни ривожлантириш йўлида олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатдаги изчил, ўзига хос йўлнинг яна бир бор эътироф этилишидир.

Китобнинг тақдимот маросимида Россия Федерацияси ҳукумати ва парламентининг масъул ходимлари, вазирлар, депутатлар, энг йирик илм даргоҳлари раҳбарлари, таниқли олим ва адиблар, хорижий мамлакатларнинг Москвадаги элчихоналари дипломатлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Китоб тақдимотига бағишланган йиғилишни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Шохалилов кириш сўзи билан очди.

«Палея» халқаро нашриётининг директори Н. Мишин, Россия Фанлар академияси фалсафа тадқиқотлари маркази директори, профессор А. Кара-Мурза, ташқи иқтисодий тадқиқотлар институти директори, академик С. Ситарян, Россия Федерацияси ҳукумати қонунчилик ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири М. Булошников мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг «Барқарорлик ва ислоҳотлар» китобида олға сурилган ибратли ғоялар ва амалда эришилаётган катта ютуқлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун намуна бўлишини таъкидладилар. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов китобнинг республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида чоп этилганига эътибор қаратди ва унда Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни чуқур таҳлил этилганини алоҳида қайд этди.

Китоб тақдимотига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

*Қурувчилар кунига*



## БАЙРАМНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛЯПМИЗ

***Тоҳир ЗОКИРОВ,***
***«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг раиси***

Ҳар йили нишонланадиган касб байрамимизнинг ўзига хос гашти, нуфузи бор. Бу йилгиси эса айниқса ўзгача. Нега десангиз шаҳримиз бунёдкорлари шу кунгача олиб борган ва амалга оширган қурилишлар шунчалик кўпки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Шунинг учун ҳам қурувчиларимиз бу галги касб байрамларини кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан нишонлаяптилар. Келинг, энди бунёдкорларимиз томонидан амалга оширилган муҳим ишлардан баъзилари ҳақида сарҳисоб бериб ўтайлик.

Аввало шуни айтиш керакки, республикамизда иқтисодиётда туб ислоҳотларни амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш ва суръатини янада оширишга катта эътибор қаратилган. Шу ўринда қурилишлар учун алоҳида аҳамият берилаётганлиги эътиборга молик. Шу боис ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу қурилишларнинг кўпчилик қисми ниҳоясига етказилиб юртимиз шодиёнасига тўёна қилинади.

Хусусан бизнинг корпорациямиз кейинги икки йил ичида ишлаб чиқариш — яъни бунёдкорлик ишлари ҳажмини оширди. Шу кунларда жуда катта аҳамиятга молик бўлган қурилишни тугаллаш арафасида турибмиз. Бу Темурийлар тарихи давлат музейидир. Бу биз бунёдкорларнинг мустақиллигимизнинг беш йиллигига ва буюк саркарда, давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига муносиб армуғонимиз бўлади. Шунингдек, айни чоғда Мустақиллик майдонида қурилаётган томошагоҳда ҳам ишлар қизғин. Лойиҳа бўйича бу жойда 10 минг ўринга мўлжалланган ўтиргичлар бунёд этишимиз лозим. Шунингдек, 2 та умумий майдони 1500 квадрат метр бўлган саҳна, яна 2000 квадрат метр майдонни ташкил этадиган битта катта саҳна қурилмоқда. Унинг атрофига овоз бериш ва ёритиш учун баландлиги 15 метрдан иборат бўлган 8 та ҳавоза ўрнатилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бозорлар қурилишига ҳам эътибор кучаймоқда. Шуни ҳисобга олган қурувчиларимиз икки шодиёна арафасида қуйидаги бозорларни фойдаланишга тахт этиб, ҳамшаҳарларимизга ва меҳмонларимизга ҳадя этишади. 44 та дўконни ўз ичига олган, ертўласи мавжуд ва барча қулайликларга эга бўлган «Миробод» бозори, Бектемирдаги буюм бозори, «Паркент» бозорининг савдо шохобчалари ва қўшимча навбати, «Отчопар»нинг бозори иккинчи навбати шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йилда 3000 квартирани фойдаланишга топширилишини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бормоқда, шу жумладан «Қоратош» даҳасида йил охиригача 800 та хонадонни янги уйларга кўчириш режалаштирилганди. Мустақиллик шодиёнаси кунларида шулардан 365 нафар хонадон соҳиблари янги уйга кўчиб ўтадилар.

Шунингдек, Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари бўйлаб 2000 йилгача биринчи қаватига савдо ва маиший хизмат кўрсатадиган нуқталар жойлаштириладиган уч қаватли уйлар қуриш дастури мўлжалланган эди. Мана ҳозирги кунда шундай шахсий лойиҳа асосида Сағбон кўчасида учта уй қуриб битказилмоқда. Ҳамшаҳарларимиз бу уйларга ҳам байрам арафасида кўчиб ўтишади.

Даҳаларни барпо этиш, ободонлаштириш билан бир вақтда урф-одат, миллий анъаналарга амал қилишга, уларни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг биргина мисоли сифатида маҳалла гузарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу гузарлар аҳолининг барча талаб-истаклари амалга ошириладиган масканлар бўлади. Мустақиллик байрами арафасида Тахтапул, Сағбон, Чилонзор-8, «Қоратош» даҳаларининг гузарлари фойдаланишга топширилади.

Булардан ташқари 4 та кичик нон ёпиш цехи, 150 ўринли касалхона, Ҳамид Олимжон майдонидаги офислар, академия биноси, 1266 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Асака банк ҳамда 146-мактаб, «Марказ-17, 18»даги мактабларнинг сузиш ҳавзалари фойдаланишга топширилади.

Хулоса қилиб айтганда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бунёдкорлари ўз касб байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олишяпти.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз тошкентлик бунёдкорлар!

*Ижтимоий ҳимоя — амалда*

## БУНЁДКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**Курувчиларнинг яратувчилик меҳнати бошқа касб эгалари каби шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг доимо диққат марказида турибди.**

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси йирик жамоат ташкилотларидан ҳисобланиб, унинг таркибида 396 та бошланғич касаба уюшмаси мавжуд.

Тармоқда 52 минг 399 нафар ходим меҳнат қилади. Шуларнинг 51 минг 931 нафаси касаба уюшма аъзоларидир.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноат корхоналарининг жамоа шартномаларида ҳозирги шароитда меҳнат аҳлига ижтимоий-маиший имтиёзлар бериш масалалари асосий ўрин эгаллайди. Тармоқда ўртача иш ҳақи ҳозирги кунда 2700 сўмни ташкил этади. Тармоқнинг «Махсуспардозқурилиш», «Тошкентсаноатқурилиш» каби бир қатор корхоналарида меҳнат таътили 20 иш кунидан 30 иш кунигача бўлган муҳлатда берилмоқда. «Қурилишмеханизация» ҳиссадорлик жамияти 18 нафар ходимнинг уй-жой шароитини яхшилашга 50 фоизли имтиёз яратиб берди, «Саноатқурилишиндустрия» ҳиссадорлик жамияти эса 40 нафар ишчига улар сотиб олган уй-жойнинг 50 фоиз қийматини ўз ҳисобидан тўлади, болалар соғломлаштириш оромгоҳига 360 дона йўлланмани ота-оналарга бепул бериб, қурувчиларнинг биринчи синфга ўқишга бораётган 240 нафар фарзандларига барча анжомлар билан таъминланган мактаб портфелларини ҳадя қилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида тармоқ корхоналари меҳнат аҳлининг имтиёзли хизматлари учун 38 миллион сўм сарф қилди.

Гўзаллик яратувчи азиз қурувчиларни касб байрами муносабати билан қутлаб, уларга мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт-саодат ҳамда кундалик бунёдкорлик ишларида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

Фозил РЎЗИБЕКОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.



*Пойтахтимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Жумладан шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган ишлар ҳам ғоят салмоқлидир. Бунда ўзларининг анъанавий касб байрамларини қаршилаётган қурувчиларнинг ҳиссаси айниқса, каттадир.*

*СУРАТДА: Қорасарой кўчасида бунёд этилаётган уй-жой биноси қурилишида жонбозлик кўрсатаётган блокли уйсозлик тажриба бирлашмасининг 3-уйсозлик комбинати бригадаси бошлиғи Эргаш Қўчқоров тасвирланган.*

## ОНА ДИЁРГА МАРҲАБО!

КЕЧА ЎЗБЕК ОЛИМПИАДЧИЛАРИ ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР



Гулларга бурканган, спортимиз мутасаддилари, мураббийлари, ишқибозлару олимпиячиларнинг қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари, журналистлар билан тўла Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси олимпия спорт делегацияси тантанали кутиб олинди.

Спортчиларни Атлантадан келтирган улкан ҳаво кемаси ерга оҳиста қўниши биланоқ «Она диёрга марҳабо, олимпиячилар!», «Тошкент олимпиячиларни қутлайди!», «Олимпия ўйинларида эришилган ютуқлар Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллик тўйига туҳфадир» каби сўзлар битилган шиорлар кўтарган ишқибозларнинг шодон қийқириқлари-ю қарсакларидан аэропорт ларзага келди. Йиғилганлар Атлантадан қайтган барча спортчилар, мураббийлар ва делегациянинг бошқа аъзоларини чин кўнгилдан қучиб, олимпия қаҳрамонлари бўлмиш Армен Багдасаров ва Карим Тўлагановларни осмонга ирғитгачгина «хумор»ларидан тушишди.

Биз Ватан тупроғига қадам қўяётганликларидан кўнгиллари беҳад қувончга тўлган, ҳаяжонларини яшира олмаётган спортчиларимизни суҳбатга тортдик.

**Армен БАГДАСАРОВ, дзюдо бўйича 86 килограммлик курашчилар ўртасида XXVI Ёзги олимпиаданинг кумуш нишон соҳиби:**

— Очиғини айтганда, олимпиададан олдин унда бешинчи ўринни эгаллашни мўлжаллаган эдим. «Иштаҳа овқат пайтида киради», деганларидай омадим юришиб кетди. Аслини олганда курашлар мен учун унчалик оғир кечмади. Бироқ финал беллашувида ютқазганлигим жуда алам қилди. Ахир Мустақил Ватанинг учун илк олтин олимпия медалини қўлга киритиш қандай бахт! Бироқ кейинчалик мулоҳаза юритиб, олимпия кумуш медали ҳам йирик натижа эканини тушуниб етдим.

Ҳали ёшман. Ушбу муваффақиятдан руҳланиб келгусидаги халқаро мусобақалар, хусусан Сиднейдаги олимпиадада янада яхшироқ қатнашишга ҳаракат қиламан.

**Карим ТЎЛАГАНОВ, бокс бўйича 71 килограммгача спортчилар ўртасида олимпиаданинг бронза совриндори:**

— Атлантага жўнашимиз олдидан юртбошимиз Ислом Каримов айтган «Сизлар ғалаба учун ҳаракат қилинглар, биз ёнингиздамиз», деган сўзлари биз учун Америка тупроғида доимо далда бўлди.

Олимпиадада баҳоли қудрат қатнашиб, ҳар ҳолда муваффақиятимиз шарафига Ўзбекистон байроғининг кўтарилишига эришдик. Бундан жуда тўлқинланиб кетаркансан киши.

Кейинги мусобақаларда ҳам ғалабалар қозонишга бутун вужудим билан ҳаракат қиламан. Асосий мақсадим, 2000 йилги олимпиадада олтин медални қўлга киритиб, Австралия қитъаси узра Ўзбекистон мадҳиясини янгратиш.

**Ўзбекистон Республикаси олимпия қўмитасининг президенти Собир РЎЗИЕВ эса спортчиларимизнинг Атлантадаги иштирокига қуйидагича якун ясади:**

— Ватанга эсон-омон қайтганимиздан хурсандмиз. Барча спортчилар, делегациямиз аъзолари ортимизда 23 миллионлик Ўзбекистон халқи турганлигини, биздан яхши натижалар кутишаётганлигини доимо ҳис қилиб турди.

Ҳа, Мустақил Ўзбекистон спорти солномасида янги саҳифа очилди. Ўйлаймизки, тез орада унинг саҳифаларига янгидан-янги салмоқли ғалабалар битилади.

Ўзбекистон олимпиячиларини кутиб олиш маросимида Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановлар иштирок этишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон олимпиячиларини аэропортда кутиб олишнинг шодон лаҳзалари.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» Фармон чиқарди.

❑ Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ Кеча Фарғона вилоят ҳокимлигида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш йиғилиши бўлди. Унда мазкур кенгаш томонидан тасдиқланган «Мерос» дастури ва «Буюк ипак йўли» манзиллари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива йўналишларида сайёҳларга сервис хизматини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Москвада Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ва Евгений Примаков Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1996-1997 йилларда маданият, фан ва маориф соҳаларида ҳамкорлик қилиш дастурини имзоладилар.

❑ Россия ташқи ишлар вазирлиги тожик-афғон чегарасининг Бадахшон йўналишида кейинги кунларда вазият кескинлашиб кетганлиги, мухолифатчиларнинг қуролли бўлинмалари чегарадан ўтиб Тожикистон ҳудудида кенг кўламли жанговар ҳаракатларни бошлашга тайёргарлик кўраётганликлари муносабати билан баёнот қабул қилди. Унда ушбу вазиятни муҳокама этиш учун Россия, Тожикистон ва Афғонистон вакиллари учрашувини ўтказиш таклиф қилинган.

❑ Кеча ҳам Грозний марказида Россия федерал қўшинлари ва чечен сепаратчилари қуролли бўлинмалари ўртасида шиддатли жанглар давом этди. Ҳозир шаҳар марказидаги ҳукумат биноларига ўт кетган.

❑ Кеча Москвада Туркманистон, Россия, АҚШ ва Саудия Арабистони компаниялари Туркманистон — Афғонистон — Покистон газ қувурини ўтказиш шартномасини имзоладилар. Ушбу лойиҳанинг қиймати 2 миллиард АҚШ доллари, деб баҳоланмоқда.

### ХОРИЖДА

❑ Кеча Исроил ҳарбий самолётлари «Хасбуллоҳ» жангариларининг Ливандаги базаларига ракета-бомба зарбалари бердилар.

❑ Бугун АҚШ қуролли кучларининг 1200 нафар ҳарбий хизматчиси Қувайтда машқлар ўтказиш учун бу ерга келади.

❑ Ўзбекистонлик боғбонлар ва вино тайёрлаш бўйича мутахассисларнинг бир гуруҳи Францияда бўлиб, бу ердаги ўз ҳамкасбларининг иш тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

❑ АҚШ космик тадқиқотлар марказининг олимлари ва мутахассислари Антарктидага тушган метеорит парчасини ўрганиш натижасида узоқ ўтмишда Марсда ҳаёт бўлган, деган хулосага келдилар. Шу муносабат билан АҚШ Президенти Билл Клинтон Марсда ҳаёт бор-йўқлигини аниқлаш юзасидан катта космик дастур тайёрланишини билдирди.

❑ Исроил ташқи ишлар вазирлиги Италия ҳарбий судининг иккинчи жаҳон уруши йилларида 335 киши қатл этилишига шахсан раҳбарлик қилган нацист жиноятчиси Эрик Прибкени озод этганлигидан ғоят таажжубланганлиги ва ғазабланганлиги тўғрисида баёнот қабул қилди.

○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○

## УЛУҒ ОҚИННИ ЁДЛАБ

**Шундай ижодкорлар бўладики, у яратган ўлмас асарлари билан халқи қалбида мангу барҳаёт яшайди. Унинг шеърлари, достонлари ҳамиша севиб ўқилади. Ана шундай даҳо ижод соҳибларидан бири қозоқ халқининг буюк оқини Жамбул Жабаевдир.**

Кеча Жамбул ижодининг ихлосмандлари, ижодкорлар, санъаткорлар йиғилишди. Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар ассоциацияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Нурли жол» газетаси таҳририяти, Ўзбекистон — қозоқ маданий маркази ҳамкорликда ўтказган мушоира улкан оқиннинг 150 йиллигига бағишланди. Мушоирада адабиётшунос олим, қозоқ адабиёти кенгашининг раиси, «Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири Қалдибек Сейданов Жамбул Жабаевнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, бой поэтик мероси ҳақида маъруза қилди.

Анжуманда Иброҳим Раҳим, Омон Матжон, Носир Фозилов, Лазиз Қаюмов ва бошқалар иштирок этдилар.

Байрамона руҳда ўтган анжуман оқинлар айтишуви билан якунланди.

Ғолиб МИРЗО.

## КЎПРИК ҚУРГАН ҚОЛАР САВОБГА

***Фазлиддин АБДУЛЛАЕВ,***
***13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи:***

— Масъулиятли участкада ишлаш билан касб байрамимизни кутиб оляпмиз. Бу кунга ўзига хос ютуқлар билан келдик. Бунёдкорларимиз билан кўприк қурилишидаги сўнгги босқич ишларини ниҳоясига етказяпмиз.

Азал-азалдан кўприк ва йўл қурилиши ота-боболаримиз учун энг савобли иш саналган. Чунки сенинг ва ҳамкасбларинг қўли билан бунёд этилган бу йўл ва кўприкдан одамлар ўтишади. Ўшанда улар шундай кенг ва равон йўлу кўприкни қуриб берган қурувчилар ҳимматига раҳматлар айтишади. Ана шундай савобли ишга бел боғлаганлар орасида шахсан ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман.

Очиғини айтганда, жамоамизнинг бундай ноёб қурилишларда ишлайвериб суяги қотиб кетган. Лекин бу қурилишнинг бошқалардан анча-мунча фарқи бор. Биринчидан, ер ости йўлининг узунлиги — 810 метрлиги билан ўзгалардан ажралиб турса, иккинчидан, қурилишнинг мураккаблиги билан ҳам фарқланади.

Умуман айтганда, ушбу савобли қурилишда нафақат тошкентлик бунёдкорлар, балки республикамиз вилоятларидан келган мутахассислар ҳам биз билан бир қаторда, ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашмоқда.

*Дил сўзлари*

## ФАРЗАНДЛАРИМ ЁНИМДА

***Абдулла САМАДОВ,***
***баланд бинолар қуриш тресги қурувчиси:***

— Қурувчилик бизга ота касб. Шу боисми билмайман, оиламиз билан қурувчилик қиламиз. Шу касб орқали бахт топдик, обрў-эътибор орттирдик.

Ўзим ёшликдан отам орқасидан эргашиб юриб қурувчиликни танлаганман. Фарзандларим ҳам ота касбини танлашди — улар ҳам бирин-кетин қурувчилар сафига келиб қўшилаверишди. Шунда «Ҳой болалар, ахир бирор ўқишнинг бошини тутсаларинг бўлармиди» десам улар: «Сиз қурувчи бўлиб кам бўлмадингизку, биз ҳам сизнинг касбингизда ишлаб, оилаларни уйли-жойли қилишга ҳисса қўшмоқчимиз» дейишди. Фарзандларимнинг пешоналаридан ўпиб уларга оқ йўл тиладим.

Мана шундан бери ота-болалар ҳаммамиз беш киши бўлиб қурилишда ишлаб келяпмиз. Ҳозир чекимизга «Миробод» бозори қурилишида ишлаш тушган. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшадиган бу бозор ҳам Мустақиллик байрамимизнинг 5 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши керак. Шунинг учун тинимсиз меҳнат қиляпмиз.

## БИЛДИРИШ

10 август куни эрталаб соат 10.00 да «Ўзбекистон» нашриётининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди таъсисчиларининг конференцияси бўлиб ўтади.

Манзил: А. Навоий кўчаси, 30-уй; 4-қават.
Боғланиш телефонлари: 335291, 441976, 410652.

